

Таъзия



16:10 / 12.02.2024 2766

Қуръони Карим ҳофизаси, илм аҳллари яхши кўрадиган, олима, устоз Мунаввара отин ойи фоний дунёдан охират диёрига риҳлат қилдилар. Ушбу оғир дамларда устозанинг барча оила аъзоларига, қариндош-уруғларига, яқинларига самимий таъзия изҳор этамиз.

Аллоҳ таоло марҳуманинг бу дунёда қилган барча солиҳ амалларининг ажрини зиёдаси билан бериб, иймонларини саломат қилсин, Ўз мағфиратига олсин, барча саҳву хатоларини кечирсин, раҳматига чулғасин, қабрларини жаннат боғчаларидан қилиб, охиратларини обод айласин.

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Hilol-nashr» матбаа-нашриёти ва Islom.uz портали жамоаси

Устоза Мунаввара отин ҳақида

Илм аҳллари яхши кўрадиган, олима, устоза Мунаввара отин ойи Қуръони Карим ҳофизаси, илмга ҳарис эдилар. Илм аҳллари муҳаббатлари чексиз бўлган. Бир ўғиллари катта олим, қизларини олима қилиб тарбиялаб, вояга етказдилар. Ҳаёт давомида оғир дард, турли синовларда ҳам, илмни тарк қилмадилар.

74 ёшларида ҳам кекса бўлиб қолдим демасдан, Қуръони Каримдан шайх Осимдан ижоза олганлар. Илмга бўлган ҳимматлари барча учун ҳавас қиларли даражада эди.

Шунингдек, ҳар куни шу ёшларида устозларига дарс топширар эдилар. Кимдир китоб олиб борса шундай қувонар эканларки, «ҳар қандай қимматбаҳо бўлган матолардан бу мен учун афзал» деб, хурсанд бўлар эканлар. Китобга бўлган муҳаббатлари чексиз эди.

Ҳаётлари давомида кўплаб шогирдлар чиқардилар. Саккиз йил мобайнида «Улумул аъла» ва «Улумул мақосид» илмларини фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳнинг қўлларида таҳсил олганлар.

Ҳадис илмидан, шайх Закариё Маккийдан ва бошқа Покистон, Бангладеш, Ҳижоз машойхларидан, «Саҳиҳул Бухорий» нинг бир қисмидан ҳам ижоза олганлар.

Фақирона, камсуқум ҳаёт кечирдилар, бориға рози бўлдилар. Кўп шукр қилувчи, кўп зикр қилгувчи бўлганлар. Қуръони Каримни кўп тиловат қилардилар. Илмга танбаллик қилган толибларни эшитсалар, хафа бўлиб кетардилар.

Аллоҳ таоло устоза Мунаввара отин ойини раҳматига олсин.